

## ФОНЕМА ТУШУНЧАСИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Раджабов Насир Насимович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

университети Тилларни ўрганиш кафедраси профессори филология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Мақола фонема тушунчасининг термин сифатида юзага келиши, шунингдек, назария сифатида шаклланиш тарихига бағишланган. Унда фонема терминининг тилшуносликка кириб келиши ва назария бўлиб шаклланиш босқичлари талқин қилинган. Мазкур босқичларнинг ҳар бирида фонема назарияси асосчиси бўлган И.А.Бодуэн де Куртененинг ўзига ҳос қарашлари изоҳланган. Мақоланинг хулоса қисмида, фонема назариясининг шаклланиш тарихи шартли равишда уч босқичга бўлиниши ва бу босқичларда фонеманинг бир-бирдан фарқланадиган антропофоник, морфологик ҳамда психологик аспекти очиб берилганлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** нутқ товуши, фонема, морфема, антропофоник аспект, морфологик аспект, психологик аспект.

Фонема тушунчасининг юзага келиши рус ва поляк тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртене номи билан боғланади. У 1870-йилда товушнинг физик табиати билан унинг тил механизмидаги аҳамияти ўртасида фарқ борлигини аниқлайди [4, 7] ва буни ўша йили ёзиб тугатган “XIV асргача бўлган қадимги поляк тили тўғрисида” номли магистрлик диссертациясида изоҳлаб беради [5, 31]. Шу билан тилнинг энг кичик бирлиги тушунчасига асос солинади. Бу кичик бирликни И.А.Бодуэн де Куртене ва унинг шогирди Н.В. Крушевский кейинчалик фонема деб атади [4, 7]. И.А. Бодуэн де Куртене фонема назариясини яратиш мобайнида унга турли хил нуқтаи назардан ёндашади. Дастлаб у фонемага физик ва физиологик жиҳатдан ёндашади ва уни “антропофоник хусусиятлар йиғиндиси”, деб таърифлайди [2, 121]. И.А. Бодуэн де Куртене фонемани сўзнинг антропофоник хусусиятларга эга бўлган фонетик қисми эканлигини айтиб, уни сўзнинг бошқа фонетик бўлақларидан фарқи бир тил доирасидаги коррелятив алоқаларда ва бир неча тил доирасидаги корреспондент алоқаларда фонетик жиҳатдан бўлинмаслигидир,



деб таъкидлайди [2, 121]. Кейинчалик, И.А. Бодуэн де Куртене фонемага морфологик нуктаи-назардан ёндашади. Энди у фонемага асосан морфологик бирлик сифатида қарай бошлайди. И.А. Бодуэн де Куртене фонемани ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун уни алоҳида эмас, балки морфема таркибида тадқиқ қилиш лозим деб ҳисоблайди. У анторопофоник нуктаи назардан фонема морфема таркибида нафақат бир бутун товушга (v в ворот), балки товушнинг бир қисмига (сяду // сад., смятение // смущение...) ёки бир неча товушлардан иборат ажралмас бутунликка ҳам тўғри келиши мумкинлигини таъкидлайди (**воротить** // **ворачивать**) [2, 121-122]. У морфема таркибидаги фонемалар алмашинувига асосий эътиборини қаратади ва айнан бир морфема ҳар доим ҳам бир хил товуш бирикмалари орқали ифодаланмаслигини аниқлайди (вертеть // вертит сўзларининг биринчи бўғинидаги /e/ унлисининг фонетик контекст туфайли ҳар иккала сўзда турлича талаффуз қилиниши) [2, 120]. И.А. Бодуэн де Куртене товушларни бир-бири билан комбинацион боғлиқ ҳолатини когеренция ва шу муносабатдаги товушларни когерентлар деб атайти. У морфемаларни шакллантирадиган товушларни ифодалаш учун гомоген (homogeni) терминини таклиф қилади. Унингча, келиб чиқиши бир хил бўлган, фонетик контекстга боғлиқ ҳолда у ёки бу даражада фарқланадиган товушлар гомогенлардир.

И.А. Бодуэн де Куртене гомогенларни бир тил доирасида ҳам, бир неча тил доирасида ҳам тадқиқ қилинишини, бир тил доирасидаги гомогенлар ўзаро фарқланадиган дивергентлар ва коррелятларга бўлинишини таъкидлайди. У айнан бир товушнинг тилдаги мавжуд фонетик қонуниятлар асосида ўзгаришга учраган кўринишларини дивергентлар деб, аксинча, айнан бир товушнинг тилдаги мавжуд фонетик қонун-қоидалар билан асослаб бўлмайдилан фонетик ўзгаришларга эга бўлишини коррелятлар деб атайти [2, 118-119]. Бундан келиб чиқадики, И.А. Бодуэн де Куртене морфемалар таркибидаги товушларнинг уларда кечадиган ўзгаришларга кўра икки турини фарқлаган: а) айти пайтда тилда мавжуд бўлган фонетик қонуниятлар асосида юзага келадиган товуш вариантлари (дивергентлар); б) айти пайтда тилда мавжуд бўлган фонетик қонун-қоидалар билан асослаб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетадиган товушлар (коррелятлар). Бу билан у тилда алтернациялар ҳодисасини тушунтиришга интилган ва фонема морфеманинг ҳаракатчан



қисми сифатида фонология ва морфологияни боғловчи восита эканлигига ишора қилган. Кейинчалик, унинг бу қарашлари тилнинг асосий яруслари бўлган фонология ва морфология асосида шаклланган тилнинг иккинчи даражали яруси – морфонологиянинг юзага келишига туртки бўлди. И.А. Бодуэн де Куртене фонемани морфеманинг ҳаракатчан қисми сифатида тадқиқ қилар экан, аслида у антропофоник хусусиятлар йиғиндиси эканини ҳам назардан четда қолдирмайди. Бу борада олиб борган тадқиқотларига асосланиб, у фонемани қуйидаги иккита бир-биридан жиддий фарқ қилувчи хусусиятларда намоён бўлишини таъкидлайди:

- 1) умумий антропофоник хусусиятлар йиғиндиси,
- 2) морфеманинг ҳаракатчан компоненти [2, 122].

Демак, у ўз изланишларининг бу босқичида фонеманинг иккита аспекти (антропофоник ва морфологик) бор, деган хулосага келади [3, 9]. И.А. Бодуэн де Куртене тилнинг товуш соҳасига доир тадқиқотларида фонеманинг антропофоник ва морфологик аспектларини фарқлаш билан бир қаторда, унинг сўз маъноси билан муносабатини ҳам ўзига хос тарзда ифодалайди. У фонеманинг сўз маъносини фарқловчи вазифаси борлиги ҳақида бевосита эмас, билвосита фикр юритади. Фонетиканинг асосий вазифаларидан бири нутқ товушларини сўз маъносига боғлиқ ҳолда ўрганишдир, шунингдек, товуш механизмида сўз маъносини нутқ товуши билан боғлиқлигига асосланган ўзаро муносабат мавжуддир, деган қарашлари билан у фонеманинг сўз маъносини фарқловчи вазифаси ҳам борлигига ишора қилади [1, 147].

1890-йилларга келиб, И.А. Бодуэн де Куртене фонема тўғрисидаги қарашларини ўзгартиради ва унга психологик томондан ёндаша бошлайди. Фонемага психологик ёндашувини давом эттирган олим, 1894-йилда ёзган “Фонетик альтернациялар назарияси юзасидан тажриба” («Опыт теории фонетических альтернаций») деб номланган асарида у фонемага соф психологик таъриф беради ва фонемани нутқ товушларининг психик эквиваленти деб атайди [2, 271]. И.А. Бодуэн де Куртене фонемага доир нисбатан анча кейинги йилларда олиб борган тадқиқот ишларида ҳам фонемага психологик жиҳатдан ёндашувини ўзгартирмайди. Жумладан, 1912-йилда ёзган “Фонема” [2, 351] мақоласида фонемага психологик нуқтаи-назардан ёндашувини давом эттирган олим 1917-йилда нашрдан чиққан “Тилшуносликка кириш” («Введения в языковедение») [2, 249] китобида ҳам



Ўз фикрида қолади. Олим фонемага доир қарашларини “Тилшуносликка кириш” («Введения в языковедение») китобида изоҳлар экан, нутқ товушлари ва уларни талаффуз қилиш жараёнидаги мураккаб иш комплекси тўғрисида инсон психикасида доимий тасаввур мавжуд эканлигини ва бу тасаввур фонема деб аталишини таъкидлайди.

Демак, И.А. Бодуэн де Куртене томонидан асос солинган фонема тушунчасининг назария сифатида шаклланиш тарихи шартли равишда уч босқичга бўлинади: а) фонемага физик ва физиологик жиҳатдан ёндашиш босқичи – бу босқичда фонема умумий антропофоник хусусиятлар йиғиндиси, деб таърифланади. б) фонемага морфологик нуқтаи назардан ёндашиш босқичи – бу босқичда фонема морфеманинг ҳаракатчан компоненти сифатида талқин қилинади, с) фонемага психологик жиҳатдан ёндашиш босқичи – бу босқичда фонема нутқ товушларининг психик эквиваленти, деб таърифланади. Мазкур босқичларда фонеманинг бир-биридан фарқланадиган антропофоник, морфологик ҳамда психологик аспекти очиқ берилган.

#### Адабиётлар:

1. Березин Ф.М. История лингвистических учений. 2-изд. – М.: Высшая школа, 1984. – 318 с.
2. Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Том I. – М.: Академия наук, 1963. – 384 с.
3. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фан, 2009. – 222 б.
4. Журавлев В.К. Диахроническая фонология. – М.: Наука, 1986. – 231 с.
5. Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. – М.: Просвещение, 1976. – 288 с.

